

# QILA DAVRASIDA

Mustahkam oila – yurt tayanchi

№ 48  
(446)  
2020-yil  
26-noyabr  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



**Хайрулла  
Лутфуллаев:**  
**«КЎНГИЛДАН  
ЧИҚМАГАН ҚЎШИҚ  
халққа етиб боролмайди»**

6-бет

## КОРРУПЦИЯГА

**ҚАРШИ  
ШАФҚАТСИЗ  
ЧОРА  
КЕРАКМИ?**



**КОРРУПЦИЯ**

2-3-бет

Нима учун амалдор панжара ортида жазо ўтаб келганидан кейин янги машина олишини, тўй қилишини, ишлари юришиб кетишини, «адолат бор эканки, бир йил ўтмай чиқиб келдим» дейишини ўйлаб кўриш керак...

Оқдарбандликларнинг  
**АЖДОДЛАРИ КИМ?**

7-бет


«Уруш бошланса,  
**УЙФОТАСАН!»**

8-бет

«Оила даврасида» газетасига

**2021 ОБУНА**  
бошланди

«Оила даврасида» – энг арзон, энг қизиқарли ва оилангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!



«Оила даврасида» бу – ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

**ОБУНА  
БЎЛИШГА  
ШОШИЛИНГ!**

Батафсил  
маълумот:

**+99897731-87-01**

Обуна индекси –

**193**



**СИФАТСИЗ  
ЭЛЕКТР УЧУН**  
тўлов камайтираладими?

3-бет

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҲАЛОЛ ОДАМДА

« Экинзорни ўт босса, нима қилинади? Ҳар қандай одам осонгина жавоб беради: чопиш керак. Деҳқон бу ишни ҳеч кимдан маслаҳат сўрамасдан, вақти-соатига қараб, бажараверади. Шунинг учун дастурхонимиз «она замин саховати» деб аталадиган ноз-неъматларга тўла.

Энди тасаввур қилинган, экинзорни ўт боссаю ҳар хил департамент ва кўмиталардан бўйинбоғли ҳашамдор одамлар йиғилса, комиссия тузилса, улар бир неча соат мажлис қилиб, деҳқонга зудлик билан «экинзорнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури»ни ишлаб чиқишни топширса. Шўрлик деҳқон ҳамма ишини ташлаб, дастур тузсаю уни олиб, идорама-идора юриб тасдиқдан ўтказса. Кейин ўртада тезда тарвақайлаб ўсиб кетган ўтларни чопиб ташласаю яна «дастур» бўйича ҳисобот ёзиб, бўйинбоғлиларни ахтариб кетса.

Коррупцияга қарши курашда бу курашнинг ўзидан кўра кўпроқ мана шундай «йўл хариталари» ва «ҳисоботлар» муҳимлашиб кетмаяптими? Бир қарашда, бу иллатга қарши курашувчи муассасани агентлик атаймизми ё кўмитами, балки инспекция деб номласак, яхши бўлармикан, деган бефойда баҳслар билан овуниб қолишга ўхшаб кетмаяптими ҳолатимиз?

Янгиликларнинг қора рейтингда терроризм ва коронавирус билан бир қаторда юқори поғоналарни эгаллаб келаётган коррупцияга қарши кураш масаласи ҳақида гап очилса, кўпчилик Сингапурнинг биринчи Бош вазири, каучук сотиш билан машғул бўлган бир оролчани кудратли давлатга айлантирган марҳум Ли Куан Юни эсга олади. Ҳа, дарҳақиқат, у энг яқин одамларини (қариндош-уруғи ва мактабдошларини) ҳам панжара ортига тиқишдан қайтмаган, АҚШ Президенти Билл Клинтон шахсан ўзи гиёҳвандликда айбланган икки америкалик талабани афв этишни сўраганда, «йўқ» деган. Хуллас, у арбоб кўпгина кескин чораларни қўллаган. Шунинг учун ҳам Сингапур коррупция балосидан деярли мутлақо халос бўлган ва ҳозиргача бу борада дунёнинг олди мамлакатларидан саналади.

Айримлар Хитойни ҳам мисол келтиради. Бу мамлакатда коррупция учун жазо унинг молиявий кўламига қараб ҳам белгиланади. У муайян миқдордан ошса, ҳатто олий жазо қўлланилади. Ибрат учун жазонинг ижроси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади. Эътиборли томони шундаки, жиноятчининг фақат мол-мулки мусодара қилинибгина қолмай, ундан олий жазо ижроси учун сарф бўладиган қаттол

ўқнинг пули ҳам ундириб олинади.

Шафқатсизликдек кўринадими? Шундай. Лекин бор гап.

Баъзи мамлакатлар тажрибасида солиқ тўлашдан қочиб даромадини яшираётган дўконлар ҳақида тегишли жойларга маълумот бериш йўлга қўйилган. Айрим юртларда бунинг учун молиявий мукофот ҳам кўзда тутилади.

Буни нима дейиш мумкин? Сотқинликни рағбатлантириш, жамиятда сотқинлик руҳини урчиштириш, бир-бирини пойлаш муҳитини яратишга интилишми? Эҳтимол, тўғридир. Лекин бу ҳам бор гап-да.

Ҳар ким иллатга қарши ҳар хил чора қўллайпти.

Моҳият шундаки, шафқатсиз бўлиб кўринадиган айрим жазолар, сотқинликка ўхшайдиган баъзи механизмлар ҳалол одам учун мутлақо беҳавотирдир. Ҳалол яшаб, ҳалол меҳнат қилган одам хотиржам яшайверади.

Бу курашда мурасасизлик бўлмаса, оқибат нималарга олиб келишини кўриб чиқайлик.

Масалан, отасининг пули билан тиб-



**У муайян миқдордан ошса, ҳатто олий жазо қўлланилади. Жазонинг ижроси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади. Эътиборли томони шундаки, жиноятчининг фақат мол-мулки мусодара қилинибгина қолмай, ундан олий жазо ижроси учун сарф бўладиган қаттол ўқнинг пули ҳам ундириб олинади.**

биёт институтига ўқишга кирган одамдан шифокор чиқадими? У қобилиятли, иқтидорли, муносиб бир одамнинг ўрнини эгаллаб, бир неча йил ўқийди, кейин отасининг пули билан йўқ жойдан бош шифокор бўлади, мартабаси ошаверса, вазир ҳам бўлиб кетар... Фақат ҳеч кимни даволамайди. Қобилиятли, иқтидорли бошқа бир одам эса тиббиёт бўйича билим олишдан мосуво бўлади.

Эҳтимол, у ўқиганида, келажакда ўнлаб, юзлаб одамнинг ҳаётини сақлаб қолавермиди? Қайсидир бедаво дардлардан бирига даво топармиди? Йигирма-ўттиз йил олдин қандайдир тасодиф туфайли қайсидир валломат ТошМИга киролмаган шундай абитуриентлардан бирининг бошини силаб, ўқишга олиб кириб қўйганида, ўша абитуриент бугун коронавирус вакцинасини кашф этармиди?

Коррупция туфайли биз ҳар йили бир Ибн Синони, бир Хоразмийни, бир Берунийни, бир Форобийни, бир Замахшарийни бой бериб қўймаётганимизга ким

кафолат беради?

Яна бир аянчли жиҳати шундаки, коррупция инфаркт, инсулт, диабет каби хавфли касалликларга ўхшаб «ёшариб» боряпти. Илгари ўсиб келаётган ёш авлод оғзидан «прокурор бўламан», «ҳоким бўламан», «солиқчи бўламан», «божхоначи бўламан» деган гаплар чикмас эди. Беғубор ёш қалбларда космонавт, учувчи, денгизчи, ҳарбий, муаллим бўлиш орзуси мавж урарди. Муҳитнинг ўзи ҳам ёшларнинг приоритетларини замонга мослаб ўзгартиришга – кадриятларни иқтисодий фаровонлик мезонлари нуқтаи назаридан қайтадан баҳолашга мажбур қилляпти. Кўрадики, фалончининг юзидан ёғ томади, ўшандай бўлишни ўйлаб қолади. Унга ҳеч ким муборак ҳадисда **«Инсон ҳеч қачон ўзини беҳожат қиладиган бойликка эга бўла олмайди»** дейилганини айтмаяпти. Ёки айтса ҳам энди қулоғига кирмаяпти.

Яккам-дуккам ҳолатлар юз бериб, «у ўзи яхши одам эмас эди» деган гап билан ўтиб кетса, қани эди, ундай эмас-да! Биринчи санокдаги касб эгалари орасида катакакдек уйда, машинасиз, ойликдан ойликкача амаллаб кун кечираётганларнинг улуши қанча? Ёлпасига ҳаммага лой чаплаш

ниятидан йироқмиз, шунчаки, ўзингиз холис айтинг.

Пораҳўрлик, таниш-билиш, мансабни сунистьемол қилиш оқибатида давлат ва жамият оқсайди. Масалан, нолийқ одам бирор мансабни эгалласа, нима бўлади? Фанда бу Данининг-Крюгер эффекти дейилади. Малакаю савияси паст одам ана шу қуйи даражада бўлгани учун ҳам нотўғри қарорлар қабул қиладди, лекин бунинг тўғри эмаслигини билмайди. Чунки, раҳбарни ҳеч ким ранжитмайди, аксинча, иложи борича мақтайди. Русларда «Сен раҳбарсан, мен – аҳмоқ, мен раҳбарман, сен – аҳмоқ» деган латифанамо нақл ҳам бор. Оқибатда у – мансаб эгаси ўзини савияси паст эмас, балки яна ҳам ақлли ҳисоблай бошлайди. Ўзига керагидан ортик бино қўяди. Афсуски, унинг ўз холига эмас, бундай одам бошқарадиган муассасанинг холига вой. У қочиб кетар, қамалиб кетар, нима бўлганда



ҳам, етказган зарари унинг бўйнига тушмайди. Азобни йиллар давомида жамоа чекишига тўғри келади.

Ҳа, бир идорада раҳбар ноқобил бўлса, шу идоранинггина ва у ердаги ходимларнинг шўри қурийдди. Бутун-бутун соҳаларга шундай шоввозлар бош бўлиб қолишидан асрасин.

Ўрмонга қуён бўлиб ишга кирган айик ҳақида Аркадий Райкин айтиб кетган яхши масал бор. Айик ўрни банд бўлгани учун у қуён бўлиб ишга жойлашади. Кейин қуённи кўриб қолади. Қарангки, у айик лавозимида ишлаётган бўлиб чиқади. Норози айик шерлардан иборат ўрмон тафтиш комиссиясини чақиради. Комиссия қуённинг ҳужжатида «айик» деб ёзилганини аниқлайди-да, айикқа ортикча ғавғо кўтармасликни айтиб жўнайди. Қиссадан хисса шуки, шерлар комиссиясига тўнғизлар «шер» бўлиб ишга кирган бўлади. Бундай ҳолатда ўрмонда яна қандай адолат ҳақида гапириш мумкин?

Қадимги дунё донишмандлари ҳўб билиб айтган: **«Билувчи гапирмайди, гапирувчи билмайди»** (Лао-цзи), **«Ҳақиқий билим ўзининг қанчалик жоҳил эканини билишдир»** (Конфуций), **«Биламанки, ҳеч нарса билмайман»** (Сукрот). Афсуски, лавозимни сотадиган ёхуд сотиб оладиганлар учун бу гаплар қуруқ сафсата ҳисобланади.

Сохталик билан ўқишга киришдан, сохталик билан мансаб эгаллашдан кўзланган бош мақсад қинғир йўл билан мўмай даромад топиш экан, бунга экинзорга тушган ўтга қарагандек қараш керак бўлади. Яъни, ўташ керак, тамом-вассалом!

## КОНСТИТУЦИЯ – МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

**Бизга бир умр йўлдош бўладиган, қалбимизни ёритиб турадиган туйғулар бор. Уларсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Масалан, умид, ишонч ва меҳрни мен ана шундай ҳаётбахш, ёруғ туйғулар деб биламан.**

Мен шу юртнинг бир фарзанди сифатида бугун мамлакатимизда юз бераётган янгилини, юксалишларга катта умид ва ишонч кўзи билан қарайман.

## Сен билан фахрланаман...

Сўнги йилларда турмуш тарзимизни, дунёқарашимизни тубдан ўзгартираётган, амалий ишларда ўзини намоён этаётган ислохот тушунчасининг шунчаки баландпарвоз бир сўз эмаслигини ҳаётим мисолида кўрмоқдаман.

Ака-опаларимизнинг ёшлик дамларини эслаб: «Билиминг бўлса-да, бир замонлар уни-

верситетга ўқишга кириш Ойга учиш билан баробар эди», деган бироз муболағали, лекин тагида ҳаётини ҳақиқат бўлган гапларини эшитганда, юрагимга оз-моз қўркув, ҳадик оралагани рост.

Хайрият, тест синовларига кирган кунимнинг ўзидаёқ хавотирларим тумандек тарқаб кетди. Имтиҳонлар одамлар

нигоҳида, очиқ – шаффоф ўтди. Саволларнинг аксарияти ўзим ўқиган, билган мавзулардан бўлиб, бу ерда ўзимдан, ўз ақлу тафаккуримдан бошқа суянчиғим йўқлигини ҳис этдим...

Мана бугун талабаман. Бизнинг истиқлол йилларидаги тараккиёт йўлимизни белгилаб берган, давлатимизнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатининг асоси – устун бўлиб, халқимизнинг эртанги кунга бўлган юксак умид ва ишончини мустаҳкамлаб келаётган Бош

қонунимизда қайд этиб қўйилган ҳуқуқларимдан самарали фойдаланмоқдаман.

Асосий қонунимизда белгиланган бурчларимни бир содик фуқаро сифатида адо этмоқдаман. Конституция – миллионлаб ватандошларим, шу юртда яшаётган барча тенгдошларим қатори менинг ҳам ҳаётимда бекиёс ўринга эга.

Мен у билан фахрланаман.

**Зебо ЭРГАШЕВА,**  
Термиз давлат университети  
1-курс талабаси

# ШАФҚАТСИЗ ЧОРА ХАВОТИР УЙҒОТМАЙДИ



Бегона ўт-ўланга бориб, «хосилга тегмагин», «экинга зарар бермагин» деб ялинган билан у айтганни қилмайди. Демак, жамиятни ҳам шундайлардан мурасасизларча тозалаш керак. Ёппасига ҳаммасини тўғдан ўтказиш назарда тутилаётгани йўқ, албатта. Ихота қилиш зарур. Айбини бўйнига қўйиб, жамоатчиликка кўрсатиш, бундайлар ўрнак-ибрат объекти эмас, жирканиш ва нафратланиш предмети эканини англатиш лозим. Токи, дунёда ҳамма нарса сингари пул ва амал ҳам ўткинчи эканини билсин.

Дарвоқе, «тозалаш» ҳақида. Бунда ҳам қандайдир меъёр ва мезонларни ишлаб чиқишга ва адолат тамойилларини мустаҳкам тутишга тўғри келади. Албатта, поранинг каттаси ҳам, кичиги ҳам пора. Лекин 200 минг сўмлик суюнчи пули билан дипломатга солинган кўп қаватли долларларнинг ўртасида фарқ бор. Корхонадан бир матоҳ ўғирлаб сотган ходим билан шу корхонани банкрот қилган бошлиқ тенг бўлмайди. Нима учун амалдор панжара ортида жазо ўтаб келганидан кейин янги машина олишини, тўй қилишини, ишлари юришиб кетишини, «адолат бор эканки, бир йил ўтмай чиқиб келдим» дейишини ўйлаб кўриш керак. Суюнчи пули олгани ёхуд матоҳ ўғирлагани учун жазоланган ходим «у ёқ»дан келиб тўй қилиш тугул, бирор жойга ишга кира олмайди, умрбод тавқи лаънатда қолади. Коррупциянинг мана шу аянчли жазоси «дипломатда оладиганлар» учун ҳам улушига яраша бўлсагина, одамлар порахўрликнинг каттаю кичигига жазо муқаррар эканига ишонади.

Энди лавозимни сунистеъмол қилишга бир мисол келтирайлик. Эстонияда таълим вазири ўз хизмат машинасида фарзандларини мактабга олиб боргани учун истеъфо берди. Оммавий ахборот воситалари таъсир кучи мана шундай пайтларда яққолроқ билинади.

Бизда амалдорларнинг хизмат машиналари қандай ишляпти? Хотинни салонга, ўғилни ўқишга, қизни тўғаракка, набириани боғчага, яна хотинни чалларига, ўғилни ўқишдан, қизни тўғаракдан, набириани боғчадан... Раҳбарга меҳнатининг ўндан бирини бағишлайди, қолгани – раҳбарнинг химмати билан рўзгорга.

The Washington Post газетаси мухбирларидан бири АҚШ расмий делегацияларига сафарда ҳамроҳлик қилар экан, йўл харажатлари давлат ҳисобидан бўлишига қарамай, ҳаммиша чипта учун ёнидан пул тўлашини айтиб, «Мустақил бўлиш учун шундай қилман» деган эди.

киборлар емакхонасининг рекламаларига кўзимиз тушади. Контраст хабарлар келаверади. Бейхтиёр ўйлай бошлаймиз: электр ва газ таъминоти учун масъул бўлган мартабали ҳамюртларимизнинг фарзандлари ҳам совуқ уйда шам ёруғида дарс қилаётганмикан ё...

Умуман, газ ва электр биз учун анчадан буён жуда каттиқ бош оғриғи бўлиб келяпти. Олам-олам газ ёқиб, текширувчига озгина қистириб, ҳисоблагичдаги рақамларни орқага қайтарган «тадбиркор» ўзи яшаётган туман аҳлига озор бераётганини биладими? Ахир, унинг ҳисоблагичидаги рақам қисқаргани билан мамлакатнинг шу туманга бераётган газини ўлчайдиган бошқа матоҳда ҳаммаси ёзилиб туради-ку. Қоғозда аҳолидан қарздорлик йўқ бўлса ҳам, туманнинг мамлакатдан қарзи ўчиб кетмаяпти-ку. Пировардида бир нечта шундай «тадбиркор» туфайли мамлакат туманни қарздорга айлантириб, газдан узиб қўяди.

риб, қувурни таъмирлаётган, тепасида жиддий қиёфали тўртта бўйинбоғли одам турган манзараларни эсласангиз керак. Шундай пайтда ўзининг қайғурувчан тезкор раҳбарлигини кўрсатиб қўймаса, эсиз фурсат.

Бизда улкан қурилиш ё таъмирлаш лойиҳаларининг ҳаммаси ҳам ҳалол бажарилаяптими ё йўқми, деган савол ҳам кўпчиликни ўйлантирса керак.

Коронавирус пандемияси муносабати билан бюджетдан ажратилган воситалар тўғрисида ҳам савол сўровчилар йўқ эмас ҳойнаҳой.

Кўриняптики, коррупция билан боғлиқ ҳолатни ё коррупционерни кўриб, илғаб олиш ўтакетган даражада мураккаб шартларни талаб қилмас экан. Демак, жамоатчилик, биринчи галда, оммавий ахборот воситалари бу ҳақда ҳар сафар бонг уриши керак. Бу иллатга қарши курашувчи орган тузишнинг ўзи билан иш битмайди. У қандай номланишидан қатъи назар.

Ушбу материални тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг 2-йиғилиши тўғрисида хайрли янгилик пайдо бўлди. Хабарда билдирилишича, мансабдор шахс томонидан ноқонуний тарзда бойлик ортирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши кутилмоқда экан. Бу чора коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича «йўл харитаси» лойиҳасига киритилибди. Бундан ташқари, халқаро ташкилотлар томонидан ажратилган қарзлар ва молиявий ёрдамлар сарфининг ошқоралигини таъминлаш учун очик маълумотлар базасини шакллантириш, коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари рўйхатини тузиш, хорижий давлатлар мансабдор шахслари ва халқаро ташкилотлар вакилларига пора берганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш, коррупция ҳолатлари тўғрисида аноним хабар йўллаш ва уларни кўриб чиқиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилмоқда экан.

Биз бу чораларнинг барчаси тез орада «кутилмоқда» режимдан «жорий қилинди» режимига ўтишини умид қилиб қоламиз.

«**Нима учун амалдор панжара ортида жазо ўтаб келганидан кейин янги машина олишини, тўй қилишини, ишлари юришиб кетишини, «адолат бор эканки, бир йил ўтмай чиқиб келдим» дейишини ўйлаб кўриш керак. Суюнчи пули олгани ёхуд матоҳ ўғирлагани учун жазоланган ходим «у ёқ»дан келиб тўй қилиш тугул, бирор жойга ишга кира олмайди, умрбод тавқи лаънатда қолади.**»

Бизда эса мустақил бўлишга интилиш ё оммавий ахборот воситалари назарига тушиб қолишдан ҳайиқиш ўрнига хизмат машинаси билан мактанни ҳолатлари кўпроқ учрайди. «Тайёр машина, ташлаб қўяди».

Ижтимоий тармоқларда янгиликларни кузатар эканмиз, бир томондан, электр ва газ йўқлигидан шикоят қилаётган одамларнинг арз-додига, иккинчи томондан, кўчмас мулк, қимматбаҳо товар,

Электр бобида ҳам шу аҳвол.

Шаҳарда яшовчилар яхши билади: йўлсозлар янги асфальт ётқишиши ҳаммоно сувсозлар ўша ерни кавлашади. Бу икки муассаса ходимлари ё алоҳида-алоҳида сайёралардан келишади, ё бу ерда бир «хикмат» бор. Чунки, бундай ҳолатларда сувсозларнинг олдида бўйинбоғлилар кўринмайди. Бўйинбоғлилар чинакам авария чоғида кўзга ташланади. Икки киши зўр бе-

**Сиз мана бу икки суратга қараб, бир уринишда жавоб беринг. Жойини айтишга зарурат йўқ. Қайси бир ҳолатдан «коррупция ҳиди» келяпти?**



Бурж Халифа биноси. Баландлиги – 828 метр. Қурилиш харажати – тахминан 1,5 миллиард АҚШ доллари.



Катта театр биноси. Баландлиги – 43,5 метр. Таъмир харажати – тахминан 1,5 миллиард АҚШ доллари.

## Электр нархи арзонлашадими?

**Сифатсиз электр энергияси учун унинг нархи камайтирадилми? Матбуот анжуманида соҳа мутасаддиси шу саволга жавоб берди.**

Kun.uz мухбирининг хабар беришича, тадбирда «Худудий электр тармоқлари» АЖ электр тармоқларидан фойдаланиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Улуғбек Ҳақимов

Ўзбекистоннинг кўплаб худудларида электр энергияси кучланишининг ўта пастлигига доир саволга жавоб берди.

«Электр энергиясида кучланиш пасайишининг олдини олиш учун 80 мингта трансформаторга тенг тақсимлашимиз ёки тармоқларни бўлишимиз керак. Қаерда энергия истеъмоли ошмоқда, қаерга

кўпроқ урғу беришимиз керак, қайси трансформаторни алмаштиришимиз керак – бу йўналишларда АСКУЭ тизими бизга онлайн таҳлилни бериб боради. Бу тизим фақат қарздорни ўчириш ёки пул йиғиб олиш учун эмас, бизга ҳам мукамал қўмакчи, ҳам шаффоф тизим ҳисобланади», деди Улуғбек Ҳақимов.

«Сифатсиз электр энергияси учун унинг нархларини камайтириш керак эмасми? Нега Тошкентда ёруғ ва доимий электр энергиясига эга бўлган аҳоли билан чекка худудлардаги аҳоли сифатсиз, хира ва доимий ёнмайдиган чирок учун бир хил пул тўлаши керак?» деган саволларга ҳам мутахассис жавоб қайтарди.

«Асосий мақсадимиз ҳам шу — биринчи навбатда сифат кўрсаткичини ошириш, лекин 100 фоиз электр энергияси

ўчмайди, деб ҳеч кимни алдамочки эмасмиз. Ходимларимиз тун-у кун навбатчиликда туриб узилишлар давомийлигини қисқартириб, электр энергиясини етказиб бериш устида иш олиб бормоқда. Балки биз ишимизни кўрсата олмаётган бўлишимиз мумкин, лекин оркамиздаги 25 минг кишилик армиямиз қорли-кировли кунларда ҳам қаерда авария бўлса, ўша ерга бориб муаммоларни ҳал қилмоқда», деди «Худудий электр тармоқлари» АЖ мутахассиси.

# КАТТА ДАРЁ САРИ

## Марказий Осиёдаги молия-кредит соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган

Тошкент молия институти мамлакатимизда молия-кредит соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган йирик олий ўқув юрти ҳисобланади. Институт жамоаси зиммасига бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти учун сув ва ҳаводек зарур бўлган кадрлар – иқтисодчилар, банк, молия, солиқ, суғурта соҳалари учун етук мутахассислар ва халқаро андозаларга бемалол жавоб берадиган бухгалтер ва аудиторларни тайёрлаш вазифаси юклатилган.

### Ёшлик палласида қўйилган пойдевор

*Сен майдонда мардона,  
Она юртга парвона.  
Юрагимда ягона  
Таронамсан, ёшлигим...*

Дарҳақиқат, таниқли шоир Эркин Самандар инсон умрининг қайтарилмас даври бўлган ёшлик айёмини ана шундай дилбар сатрлар билан зийнатлаган эди. Зеро, улкан ва тароватли боғу роғ ниҳолсиз, чаманзор эса гунчасиз, мавж урган дарё эса жилғасиз бўлмайди ҳаётда. Шу маънода катта ҳаётнинг тўлқинли уммони ҳам янги-янги истеъдодли ёш ниҳоллар оқимисиз зинҳор тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳар қандай нафис ва ҳароратли сўзлар, дунёни ўзгартириб юборишга кодир кўплаб ихтиролар, атрофдагиларни лол-хайрон қолдиришга бўлган тизгинсиз иштиёқ ҳам айнан бетакрор ёшлик палласига тўғри келади.

Қалбида бир олам ҳаяжон, улкан орзулар билан Тошкент молия институтида таҳсил олаётган ёш ниҳоллар ҳам бугун ана шундай куч-ғайрат ва тафаккур оғушида ўз устида тинмай ишламоқда. Қовжирётган ниҳолга ўз ишининг устаси бўлиб танилган боғбон сув қўйиб, меҳр билан парваришлагани каби, илм даргоҳининг меҳрдарё устозлари ҳам минг-минглаб шогирдларидан ўзларининг билим ва кўникмаларини сира аяшмаяпти.

Институт тарихи анчайин кўхна. Дастлаб 1931 йилда Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё молия-иқтисод институти ташкил этилган, кейинроқ унга Тошкент молия-иқтисод институти, 1962 йилда Тошкент халқ хўжалиги институти номи берилган эди. 1991 йил 13 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида Тошкент халқ хўжалиги институти (*ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети*)нинг молия-иқтисод ва ҳисоб-иқтисод факультетлари негизда алоҳида институт сифатида ташкил этилди.

Биринчи навбатда ушбу илм даргоҳи зиммасига мамлакат иқтисодиёти учун сув ва ҳаводек зарур бўлган кадрлар – иқтисодчилар, банк, молия, солиқ, суғурта соҳаларида етук мутахассислар ва халқаро талабларга жавоб берадиган бухгалтер ва аудиторларни тайёрлаб беришдек залворли вазифа юклатилди. Ўша йилнинг ўзида олий таълим даргоҳида молия-иқтисод, кредит-иқтисод ва ҳисоб-иқтисод кундузги бўлим факультетлари ҳамда кредит-иқтисод ва молия-ҳисоб иқтисод сингари иккита сиртки бўлим факультети таркибида тегишли йўналишлар ҳамда йигирмага яқин кафедра фаолиятини бошлаб юборди.

Бугунги кунда институт молия, банк иши, солиқ, суғурта, менежмент, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, лойиҳаларни молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, касбий педагогик таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар ҳамда 19 иқтисодий мутахассислик бўйича магистрлар

тайёрлайди. Маълумотларга кўра, Молия институти мустақиллик йилларида 13 минг 500 дан ортиқ мутахассис тайёрлаган. Институтда аспирантура ва докторантура бор. АҚШ, Англия, Франция, Германия, Корея Республикаси, Япония каби ривожланган давлатларнинг турдош олий ўқув юртлари билан ўқув-илмий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилган.

Мазкур илм даргоҳидан учирма бўлган кўплаб калдирғочлар бугунги кунда мамлакат етакчи соҳаларида масъул вазифаларда меҳнат қилмоқда, юртимиз тараккиётига таянч бўлмоқда.

Тошкент молия институтига тамал тоши қўйилишида, унинг нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро миқёсда етакчи олий ўқув даргоҳларидан бирига айланашида марҳум академик, илм-фан фидойиси Мурод Шарифхўжаевнинг хизматлари бекиёсдир. У киши ўзининг камтарлиги, инсонлар қалбига йўл топа олиши билан кенг жамоатчилик орасида обрў-эътибор қозонган эди. Бу жонкуяр инсоннинг эзгу амалларини, илм пойдеворини айни паллада шогирдлари муносиб давом эттирмоқда.

### САБРДАН ЯРАЛГАН ИЛМ

Кези келгани учун қадим бир афсонани келтириб ўтишни жоиз топдик. Ўткир ақли билан донг таратган бир донишманд бўлган экан. Узоқ-яқин манзиллардан уни излаб келувчиларнинг қадами узилмас экан. Бир йилгит минг истиҳола ва тортиниш билан донишманд олдига келиб, шогирдликка тушмоқчи экани, унинг билимлари сир-синаотини қунт ва сабот билан ўрганмоқчилигини айтибди.

«Мен сени шогирдликка бажонидил қабул қиламан. Ҳамма гап сенинг сабринг чидашида», дебди донишманд. Шунда шогирд устози гапини тўла англамасдан, шоша-пиша, «албатта, сизни ҳеч маҳал уялтириб қўймайман, барча қийинчиликларга чидайман», дея катта гапириб юборибди.

Орадан маълум бир вақт ўтгач, донишманд шогирдини ёнига олиб юрт кезгани жўнабди. Кўлига асо тутган донишманд бирор хонадонга бош сукиши ҳамон, ўйлаб-негиб ўтирмасдан тескари дуо қилар экан. Дастлабки кезлари бу ҳол ёш шогирднинг энсасини қотириб, ғазабини оширибди. Аммо устозига бирор нима дейишга тили бормабди. Сабр қилиб кутишдан бошқа иложи қолмабди. Роп-на-роса ўттиз тўққизта хонадонда бояғидай ҳолат такрорланибди. Охири шогирд навбатдаги хонадонда ҳам донишманднинг ўзларига туз-намак ва сут берган хонадон соҳибини «илойим, сигиринг тил тортмасдан ўлсин», дея дуо қилганини эшитиб, чидай олмабди. «Ахир, сиз қанақанги ношукр инсонсиз. Бу уйдагилар бизга оқлик инъом этди-ку. Шунга қарамай сиз уларни тескари дуо қилиб, ноқулай вазиятда қолдирдингиз. Бу ишингиз нотўғри-ку!..»



дебди жазавага тушиб.

Шунда донишманд кулиб юборибди ва дебди: «Ана, кўрдингми. Мен сени хузуримга келганигдаёқ бежиз сабр ҳақида огоҳлантирмаган эдим. Бу бир ўзига хос синов эди. Биз кириб чиққан хонадон соҳибларининг барчаси менинг асл мақсадимни билишди ва шунинг учун ҳам тескари дуони ҳеч бир эътирозсиз қабул қилишди. Сен эса, ҳали қирқта ҳолатга етмасдан жаҳлингни сездириб, тилингга чиқардинг. Сен ҳали ҳақиқий илмни олишга тайёр эмас экансан...»

Ҳа, илм эгаллаш, кимнидир илмли қилиш осон эмас. Сабр-тоқат, матонат, чидам керак билим олиш учун ҳам, билим бериш учун ҳам. Юқорида келтирган ривоятимиз билим бериш игна билан қудук қазишдек мураккаб иш эканига бир ишора эди.

Буни қаранг, Тошкент молия институтида ана шундай қалби дарё устозлар кўп. Улар мудом шогирдлари камолини кўриш иштиёқида ишлашади. Шоирнинг «Мен навқирон бир новдангман, сен билан умрим», деган дилрабо сатрлари каби илм олишга чанқоклик бор жойда устоз мураббийларнинг ғайрати, масъулияти ортаверади.

Олий ўқув юртида бўлганимда менга мамлакатимиз илм-фанига муносиб ҳисса қўшиб келаётган устозларнинг катта авлоди ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилганини зўр мамнуният билан айтиб ўтишди. Қувончлиси, улар орасида М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, Қ.Сафоева, Э.Ақромов, З.Юлдашев, Ф.Шамсиддинов, Ф.Каримов, А.Сотиболдиев, Қ.Усмонов, З.Афзалов сингари жонфидо инсонлар бор. Бу устозларнинг муносиб хизматлари давлатимиз томонидан эътироф этилган.

Бугунги профессор ва ўқитувчилар ўзларидан аввал «игна билан қудук қазган» устозлари ишини муносиб тарзда давом эттиришмоқда. 2018 йилда жами тўққиз нафар, 2019 йилда эса ўн бир нафар институт профессор-ўқитувчилари дунёнинг нуфузли мингталигидан жой олган олий таълим муассасаларида (*Россия, Хорватия, Италия, Литва, Япония, Нидерландия, Беларусь, Малайзия*) ўқув машғулотлари (*маъруза, амалий машғулот*) ўтказиб қайтди. Институтнинг бир профессори дунёнинг кучли беш юзликка кирувчи университетлари қаторидаги Малайзиядаги университетнинг Бизнес ва менежмент факультетида катта ўқитувчи лавозимида фаолият юритмоқда. Яна бир нафар профессор эса Қозғистондаги «Боллашак» университетида ёш авлодга сабоқ бериб келяпти.

### ИМКОНИАТЛАРНИ АНГАТИБ...

Бугунги шиддаткор замон ҳар куни изланишни, янгилашни, ахборот ва билим

эгаллашни талаб этади. Тошкент молия институтида фаолият юритиб келаётган профессор-ўқитувчиларга қўйилаётган талаб ҳам шундай. Зеро, дунёнинг глобаллашиб бораётган иқтисодиёти учун муносиб кадрлар тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Атрофга хушёр боқадиган кишининг хатти-ҳаракати табиий, ҳар қандай тамаллардан йирик, фикрлаши соғлом бўлади. Эътиборлиси, мазкур илм даргоҳида ана шундай устозлар таълим-тарбиясини олаётган иқтидорли талабалар сафи тобора кенгаймоқда.



– Ёшликнинг олтин даври ҳисобланган талабалик нашъу наъмоси ва ташвиш-қувончларига андармон бўлиб, қимматли вақтни беҳуда ўтказмасликни ҳар бир йигит-қизга тушунтириш осмон эмас, – дейди Тошкент молия институти ректори Тўлқин ТЕШАБОЕВ. – Вақти келиб кимдир шундай маслаҳат бермагани улар учун армон бўлиши мумкин, аммо бугун ёшликнинг шўхликларини бебошликларини устун қилиши турган гап. Шу боис ҳам ҳар бир талабага дўст бўлиб, фикран яқин бўлиб, уларни билим олишга чорласаккина бирор натижага эриша оламиз. Бунда энг аввало талаба ўз соҳасининг пухта ва етук мутахассиси бўлиб етишиши учун айни дамда қандай имкониятлар борлигини, буни қўлдан чиқариб юбормасликни, эртага ҳеч қачон бу имкониятлар қайтиб келмаслигини уларга ўз фарзандимизга тушунтиргандек англашимиз зарур.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширила-

# ИНТИЛГАН ЖИЛФА

## ЭНГ ЙИРИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДАН БИРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

Этган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари билан мутахассис кадрлар тайёрлашнинг бутунлай янги тизимига асос солинди. Белгиланган талаблардан келиб чиқиб, институтда таълим-тарбия тизimini ана шу мезонлар асосида йўлга қўйишга ҳаракат қиляпмиз. Энди олий таълим соҳаси қадди-бабини дадил кўтаришимиз даркор. Чунки бугун биз учирма киладиган мутахассис-кадрлар мамлакат эртасининг ҳал қилувчи кучи бўлади.

Институт ректорининг таъкидлашича, 2019-2020 йилларнинг ўзида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Хитой, Исроил ва Афғонистон фуқароларидан йигирмага яқини ўқишга жалб этилибди. Қозоғистоннинг Қизил Ўрда шаҳридаги «Болашақ» университети негизда Тошкент молия институти билан қозоқ-ўзбек қўшма факультетини ташкил этиш, унда «Халқаро валюта-кредит муносабатлари» таълим йўналиши бўйича 2+1+1 қўшма таълим дастурини амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди. Ушбу қўшма факультетга 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб қозоғистонлик талабалар қабул қилинди. Биргина 2019-2020 ўқув йилининг ўзида хорижий ҳамкор университет ва ташкилотларнинг бегараз кўмаги ва маблағлари асосида 96 минг 810 АҚШ доллари миқдоридан инвестиция маблағлари ўзлаштирилди.

### ТИЛНИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ

Дунё олимларининг бир-бирига яқинлашуви, мулоқотга киришуви шундай бир олимки, у халқларни, мамлакатларни, илмга чанқок кишиларни ўзаро яқинлаштиради, дўстлаштиради. Бугунги тезкор замонда эса тил билиш илм ўрганишнинг ажралмас воситасига айланиб улгурган. Атоқли немис шоири Гёте бир одам нечта тилни билса, у ўшанча мартаба одам, деган эди. Назаримда, Тошкент молия институтининг профессор-ўқитувчи ва талабалар жамоаси ана шу ақидага таяниб кам бўлаётганлари йўқ.

Фикрларимизни аниқ мисоллар билан давом эттирамиз. Институт жамоаси хорижий мамлакатларнинг нуфузи баланд олий таълим муассасалари билан тизимли равишда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, қирқ олтита халқаро битим ва меморандум асосида фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Юқориди эслатилган келишувга асосан, 2018 йилнинг ўзида йигирма бир бакалавр ва магистр ҳамда қирқ саккиз нафар профессор-ўқитувчи ва раҳбар ходим хорижга алмашинув дастури ва тренингларида, семинар ва конференцияларда иштирок этиб қайтди. Бу анъана ўтган йили ҳам изчил давом эттирилди. Саксон уч талаба ҳамда етмиш бир нафар профессор-ўқитувчи нуфузи баланд университет ва илмий тадқиқот марказларидаги халқаро анжуманларда қатнашиб, ўз билим ва кўникмаларини ошириб қайтди.

Институтга сўнгги икки йилда АҚШ, Буюк Британия, Россия, Беларусь, Польша, Хорватия, Латвия, Германия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Австрия, Ҳиндистон каби давлатлардан расмий делегациялар келди. Яна бир гап. Тошкент молия институти ва Малайзиянинг Миллий энергетика университети ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартно-



масига биноан, ҳамкор хорижий университетнинг халқаро алоқалар бўлими раҳбарлигидаги ўн нафар иқтидорли талаба 2019 йилнинг 23 февралидан 7 мартга қадар институтнинг махсус ўқув курсида қатнашди.

Илм даргоҳида мунтазам хорижий илмий алоқага эга бўлган профессор-ўқитувчилар сони 67 тани ташкил этади. Кувончлиси, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент молия институти ва Малайзиянинг Байнери университети билан ҳамкорликда қўшма факультет ўз фаолиятини бошлади, иккита магистратура мутахассислиги бўйича 35 нафар магистрант қўшма таълим дастури асосида таҳсил олмақда. Шунингдек, жорий ўқув йилидан Беларусь Полоцк давлат университети билан ҳамкорликда ТМИ – ПДУ қўшма факультети ташкил этилиб, ҳозирги кунда 119 нафар талаба иккита мутахассислик бўйича илм олмақда.

### ИСТЕЪДОГ КУРТАКЛАРИ

Бугунги ёшларда курашувчанлик, виждон уйғоқлиги, истеъдод куртакларининг бўртиб туриши мени кувонтиради. Улардаги ҳақгўйлик, фош этишга йўналган шижоатга ҳавас билан қарайман. Шунингдек, жорий ўқув йилидан Беларусь Полоцк давлат университети билан ҳамкорликда ТМИ – ПДУ қўшма факультети ташкил этилиб, ҳозирги кунда 119 нафар талаба иккита мутахассислик бўйича илм олмақда.

Аниқ мисолларга ўта қолайлик. Солиқлар ва суғурта факультети тўртинчи курс талабаси Мафтуна Аҳмедова 2019/2020 ўқув йилида «Бизнес ва бошқарув» таълим йўналиши бўйича Президент стипендиясига лойиқ топилди. Банк иши факультети тўртинчи курс талабаси Шаҳбоз Ибодуллаев ва банк иши факультети учинчи курс талабаси Маликахон Ҳасанбоева, банк иши факультети тўртинчи курс талабаси Мухаммадали Мухаммаджонов Ислом Каримов номидаги давлат стипендиясини қўлга киритиб, тенгқурларига ўрнак бўлди. Шундай қилиб, иқтидорли талабалар томонидан биргина ўтган йилнинг ўзида тўқсон учта мақола, бир минг икки юз қирқ бешта илмий тезис чоп этилди. Бундан ташқари, 2019 йилда олий таълим муассасалари талабалари иштирок этган фан олимпиадасининг республика босқичида беш нафар талаба совринли ўринларни эгаллади. Ўтган йили олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «молия ва кредит» фани бўйича ўтказилган республика фан олимпиадаси якуний босқичида молия факультетининг тўртинчи курс талабаси Ҳамидулла Холиқов, бухгалтерия ҳисоби ва аудит фани бўйича талабаларнинг республика олимпиадаси якуний босқичида бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультети тўртинчи курс талабаси Дониёрбек Хайруллаев, «макроиқтисоди-

ёт ва микроиқтисодиёт» фани бўйича банк иши факультети учинчи курс талабаси Мухаммадали Мухаммаджонов биринчи ўринни эгалаб, институт шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Шу билан бирга, республикамизнинг бошқа олий таълим даргоҳларида мунтазам равишда ўтказиладиган фан олимпиадаси ва спорт мусобақаларида ҳам институт талабалари фаол қатнашмоқда. Банк иши факультети тўртинчи курс талабаси Жаҳонгир Зармасов ўтган йили Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ўтказилган талаба-ёшларнинг республика олимпиадасида иккинчи ўринни, молия факультети иккинчи босқич талабаси Маъмур Ҳамроев Ўзбекистон жаҳон тиллари университетидан «инглиз тили» фани бўйича ўтказилган талаба-ёшларнинг фан олимпиадасида совринли ўринга муносиб деб топилди.

Илм даргоҳида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ўттизга яқин тўғарак ишлаб турибди. Биргина ўтган йилнинг ўзида йигирмадан ортик талаба Марказий банк томонидан эълон қилинган стипендияларни қўлга киритди. Институт ахборот-ресурс марказининг умумий фонди 679 минг 211 адабиётдан иборат. Шундан дарсликлар 189 минг, ўқув қўлланмалар 354 минг, илмий адабиётлар 73 минг ҳамда бадий адабиётлар 8 мингдан ошади. Кутубхона фондини электрон ресурслар билан бойитиш мақсадида институт ички маблағлари ҳисобидан икки дона махсус қурилма харид қилиниб, фойдаланишга топширилди. Шунинг учун доимо кутубхона талабалар билан гавжум.

Битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга ёки ишга жойлаштириш масаласида Тошкент молия институтида яхшигина тажриба тўпланган, десак, асло янглишмаган бўламиз. Ҳар йили Молия вазирлиги, Бош прокуратура хузуридаги департамент, Мажбурий ижро бюроси, Солиқ кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, тижорат банклари, суғурта компаниялари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Карьера куни» тадбирининг аҳамияти катта бўлмоқда. 2018/2019 ўқув йилида институт бакалавр босқичини тамомлаган 952 нафар, 2019/2020 ўқув йилида 819 нафар мутахассиснинг асосий қисми ишга жойлашди. Биржалар, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси билан узок муддатли ҳамкорлик қилиш учун уч юздан ошиқ шартнома имзоланган. Халқ банкида «банк иши» кафедрасининг филиали, Юнусобод туман солиқ инспекциясида Солиқ ва солиққа тортиш кафедрасининг филиали очилган

бўлиб, талаба-ёшлар бевосита амалиёт машғулотларини мазкур филиалнинг ўзида олиб боришади.

### АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ ОЛОВЛИ КУРСИ

Адабиётимиз хазинасини бойитган асарлар кўп. Аммо китоблари ҳар бир хонадонга кириб борган, асарлари ҳали-ҳамон қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган адиблар санокли. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ана шундай ижодкорлардан. Адибни халқимиз фавқуллода истеъдод ва сабот эгаси сифатида қадрлайди.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», «Кўшчинор чироқлари», «Ўтмишдан эртақлар» сингари бир-бирдан мағзи тўқ, пишиқ-пухта асарларини ўқимаган ёшлар кам. Хуллас, Абдулла Қаҳҳор халқимиз қалбида чуқур ва ўчмас бир из қолдирган. Бу оташ олов тафти ханузга қадар сўнгани йўқ.

– Аслини олганда, санъатнинг, адабиётнинг, насрий асарларнинг катта-кичикка талаби битта: ўқиганда қалбларни титратиш, забт этиш! Забт этилган қалбларга эса ўз-ўзидан эзгулик, яхшилик уруғи қадалади, – дейди **Тошкент молия институти ёшлар билан ишлаш бўйича проректори вазифасини бажаручи Ўктам Норбоев**. – Биласиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги қарорига асосан Тошкент молия институтига атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини тўлақонли равишда ўрганиш, фаолиятини ёритиш вазифаси юклатилган эди. Шунингдек, Адиблар хиёбонидаги Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор бюсти институтига бириктирилган.

Ҳозирги кунда сўз сеҳргари ижодини илмий тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида қатор тадбирларни ўтказиб келяпмиз. Бу вазифага институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари кенг миқёсда жалб этилган. Тез-тез Адиблар хиёбонида бўлиб, адиб ҳаёти ва ижодига доир кечалар уюштиряпмиз. Мақсад ёш ниҳоллар қалбида адабиётга меҳр уйғотишдир.

Яқинда Тошкент молия институти профессор ва талабалари пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида бўлиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор бюсти пойига анвойи гуллар қўйишди. Шу ернинг ўзида сўз сеҳргари ижодига бағишланган ижодий кеча ўтказилди. Унда таниқли адиблар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Адиб асарларидан парчалар ўқилди. Хуллас, ушбу тадбир тўпланганлар қалбида узок вақт эсдан чиқмайдиган воқеалар билан из қолдирди.

Сирасини айтганда, Тошкент молия институти иқтисодиётнинг узлуксиз равишда кадрларга бўлган чанқоқлигини кондириб келмоқда. Негаки, мазкур тармоқларнинг мамлакат куч ва қудратини оширишдаги улуши сезиларли катта. Улкан, қудратли дарёларни ирмоқлардан оқиб тушган жилғалар тўлдириб боргани каби, мазкур илм даргоҳидан катта ҳаётга учирма бўлаётган ёш, салоҳиятли мутахассислар ҳам эртага юртимиз қадди-бабини янада юксалтириб, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшишига умид қилиб қоламиз.

**Улугбек ЖУМАЕВ,**  
«Оила даврасида» муҳбири

# КЎНГИЛДАН ЧИҚМАГАН ҚЎШИҚ ХАЛҚҚА ЕТИБ БОРМАЙДИ

Халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев кўшиқлари кириб бормаган хонадон юртимизда бўлмаса керак. Санъаткор яратган ўнлаб кўшиқлар кўп асрлик мусиқий меросимиз хазанисидан муносиб жой олган. Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева бошчилигидаги «Баҳор» ансамбли билан юздан ортиқ мамлакатда ўзбек санъатини тарғиб қилишга улкан ҳисса қўшган. Бугун Ўзбекистон халқ артисти, профессор Хайрулла Лутфуллаев газетамиз меҳмони бўлди.

– *Хайрулла ака, суҳбатимизни инсон ҳаётининг энг беғубор даври бўлган болалик хотираларидан бошласан. Эл суйган санъаткорнинг болалиги қандай ва қаерларда ўтган?*

– Болалигимни эласам кўз ўнгимда Эски Жўва кўчалари гавдаланади. 1945 йил 25 октябрда Тошкент шаҳрида туғилганман. Оилада ота-онамизга бўлган меҳр кучли бўлган. Онам доим отамнинг хурматини жойига кўяр эди. Шундан бизда ҳам отамизга чексиз хурмат бор. Оилада ҳаммамиз отанинг маслаҳати, отанинг руҳсатисиз бирор иш қилмаганмиз.

Косибчилар оиласида туғилганман. Отам, амакиларим – ҳаммалари косиб бўлишган. Болалигим ҳамма катори гоҳ шўх, гоҳ ғамгин ўтган. Ғамгин дейишимга сабаб, 7-9 ёшлигимда совуқда маҳалламизга нон келар эди. Онам иккимиз тонг саҳарлаб турнақатор навбатларда турар эдик. 12 ёшларга тўлганимда замон анча ўзгарди, ҳаётимиз яхшилана бошлаб, қорнимиз тўйиб овқатланадиган бўлдик.

Анчайин шўх бўлганман. Ўқитувчиларим мактабдан уйга қайтишда бизнинг кўчадан ўтиб кетишарди. Дарвоза олдида ўтирган отамга бир неча марта «Ўғлингиз жуда тўполончи», – дея айтишган ҳам. Шунда отам бизни янада каттиққўллик билан назорат қилади.

– *Мусиқа дарсини яхши ўқиган бўлсангиз керак-а?*

– Йўқ, кўпроқ жисмоний тарбия фанидан аъло баҳо олардим. Ундан кейин чизмачилик, расм, мусиқа, адабиёт фанларига қизиқардим. Адабиёт дарсларида шеър ёки ҳикояларни бир-икки марта ўқишдаёқ ёдлаб олиш қобилиятим бор эди. 14 ёшимда мактабимизда мусиқа фанидан тўғарак очилди. Шу тўғаракка қатнаб, тез фурсатда рубоб чалишни ўрганиб олдим. Давраларда, ўртоқларим орасида рубоб чалиб, кўшиқ айтганимни кўрган ёши катталар тўйда мени кўриб қолишса, саҳнага тортиб, кўшиқ айтиришарди.

Кейинчалик Эски Жўвадаги Охунбобоев номли маданият уйида тўғаракларга қатнашиб мусикадан, санъатдан дастлабки билимлар олдим. Сайилгоҳларда, боғларда «Ёш ижрочилар» концертлари бўлар эди, уларда кўшиқлар айттардим.

Мана шу кизиқиш мени 1970 йилда Консерваторияга етаклади. Ўқишга кирган ўша йили анча-мунча тилга тушган «Мен севаман, сен севасанму?» кўшиғим чиқди. Ўша кичик машҳурлик ҳам ўқишимга «халал беришга» етарли эди. Кўп дарсларга қатнаша олмас эдим. Турли концертларга, чет давлатларга гастрол сафарларига олиб кетиб қолишар эди.

«Баҳор» миллий рақс ансамблида ишлаб юрган пайтларимда телевидениега классик куйлар асосида кон-

церт уюштиргани чақиринди. Унда Орифжон Ҳотамова кўшиқларидан ҳам айтишга қарор қилдим. Устознинг «Бебоғча» кўшиғини айтдим ва яна жонли ижрода саккизта кўшиқ куйладим. Ўша кўшиқни Орифжон ака эшитиб, «Хайрулла яхши ҳофиз бўлибди», дея юксак баҳо берган экан.

– *Инсон ҳаётда ўз ўрнини топишида у яшайдиган муҳит, атрофдаги инсонларнинг таъсири катта бўлади. Санъатга муҳаббат қўйишингизга кимлар дахлдор, деб ҳисоблайсиз?*

– Биз Маъмуржон Узоқов, Фахридин Умаров, Таваккал Қодиров каби катта ҳофизлар ашулаларини тинглаб катта бўлганмиз. Улар халққа танилиб, машҳур бўлган пайтлар эди. Ҳозиргидек қўл телефонлари, магнитофонлар йўқ эди. Кичкинагина радиомиздан қайси машҳур кўшиқ янграса ўшани ўрганиб олардим.

Хуллас, мана шу касбга меҳр қўйишимда асосан оилам, устозлар сабабчи бўлди. Яна Муҳаммадjon Каримов деган ҳофиз билан бир маҳаллада турардик. У кишини кўп тўйларга чақирардик, мен ҳам қизиқиб ёнларига бориб турардим.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир гал маҳалламиздаги тўйга машҳур ҳофиз Жўраҳон Султонов келди. Санъат-

руҳиятини даволовчи, унга кайфият бахш этувчи буюк куч мусиқа. Яхши куй-кўшиқни эшитсангиз чарчоғингиз чиқади, ундан ташқари ҳар хил бўлмағур хаёллардан қайтаради. Хуллас, мусикани инсон тўғри тушунса, у фақат яхши йўлга етаклайди, тарбиялайди, куч беради. Мусиқа кўнгилга ахлоқан муайян таъсир кўрсатувчи қувватга эга. Мусиқа ёш авлод тарбияси учун энг зарур воситалар каторида туради.

– *Бизда кўпинча санъаткорлар тўйга чиқиш ниятида шу касбни танлайди. Репертуаридаги кўшиқларнинг ҳам кўпи тўйбоп. Санъаткор фақат тўйлар учун ижод қилиши тўғрими?*

– Фақат тўйга чиқиб, пул топиш илинжида санъат йўлини тутиш – бу Худо юктирган истеъдоднинг иши эмас. Отарчилик билан чин санъатнинг фарқи катта. Тўғри, мен ҳам ёшлигимдан тўйларда кўшиқ айтганман, чунки бу санъаткорни анча пишитади. Тўйда саънаткор айнан халқ сўраган кўшиқни куйлайди, уларнинг талаб-истагини юзма-юз эшитади. Аммо фақат тўй учун ижод қилиш санъатни бизнесга айлантиришдан бошқа нарса эмас.

– *Баъзида шовқиндан, қулоқларимиз чарчайди. Ўтириб битта тор билан айтиладиган кўшиқларни қумсаб қоламиз. Сизнинг кўшиқларингизда ҳам ортиқча ҳашаматсиз,*



сикани ҳақиқатда соғинган эканмиз. Ўзи халқимиз азал-азалдан битта тор, битта доира билан айтиладиган маъноли, оҳангдор кўшиқларга чанқок.

Сир эмас, ҳар қандай «гумбура қарс» ўн беш дақиқа ўтмасданок инсонни чарчатади.

– *Сизнингча, инсон ҳаётни тушуниши учун тушунча керакми ёки вақт?*

– Ҳа... (ўйланиб) Назаримда, иккиси барабар керак, вақт ҳам, тушунча ҳам. Тушуниб етишингиз учун, аввало, вақт зарур. Вақт ўтади, сиз уни ўзингизча режалаштирасиз, нималар қилиш кераклигини ўйлайсиз, айниқса мана шу вақт ўтган сари одамнинг тушунчаси ҳам улғаяди, кўп нарсаларга ақли ега бошлайди.

– *Кўшиқни халқ кўнглига олиб киришининг синоати нимада? Ёки уни халқнинг ўзи танлайдими?*

– Қанча кўшиқ айтган бўлсам, ҳаммаси мен учун ўз фарзандимдек қадри. Айримлар савол беришади, фалон кўшиғингизни яхши кўрасизми, бунисини ёқтирмайсизми, деб. Уч юздан ортиқ кўшиқларим бор. Улардан бирортасини ажратиб, мана буниси яхши, буниси ёмон, дея олмайман. Ҳаммасини кўнгилдан айтганман. Аввало, ўша кўшиқдан ўзим роҳатланаман, ўзим маънан озиқланаман. Ундан кейин халқнинг кўнглига етиб боради улар. Кўшиқни ўзингиз роҳатланиб, ўзингизга маъқул қилиб айтмагунингизча, халқ уни тан олмайди. Шеър ёки ғазалнинг мазмунига қараб, унга оҳанг бериб айтсангиз, шундагина халқ кўнглига кириб боради.

– *Ижтимоий тармоқлар санъаткор ва мухлис ўртасида виртуал кўприк вазифасини ўтаётми. Аммо*

*ортиқча шовқинсиз, овознинг торга уйғунлигини эшитиб кўнгиллар яйрайди. Ҳозир айнан шундай кўшиқлар айтилмай қўйди. Нима деб ўйлайсиз, фақат «гумбур-гумбур»ни эшитаётган тингловчи бугун ўшандай ҳузурбахш онларни ёдидан чиқариб қўймадимикан?*

– Яхши савол! Мана, карантин туфайли, шунақа «гумбур-гумбур», қулоқни ларзага келтирадиган кўшиқлардан халқимиз анча халос бўлди. Чунки биз ижтимоий тармоқларга битта тор ва доира билан олтишга яқин миллий кўшиқларимизни айтиб, жойлаштирдик. Қаранг, ҳаммамиз чинакам му-



корлар олдига яқин борволиб, айвон устунига суяниб, берилиб ашула эшитаётганимни кўрган ҳофиз тўсатдан олдига чақирди. «Ҳа ўғлим, нега сен дўстларинг билан ўйнамасдан бу ерда турибсан?», дедилар. «Мен ашула эшитяпман», дедим ҳаяжонланиб. Ўшанда устоз санъаткор «Катта ҳофиз бўлгин», деб дуо қилдилар. Демак, устозлар берган дуоси билан мана шундай эл назарига тушган бўлсак ажаб эмас.

– *Баъзилар мусиқани шунчаки эрмак, дейди. Сиз мусиқага қандай таъриф берасиз?*

– Мусиқа асло эрмак эмас. Инсон

сиз улардан фойдаланмайсиз, нега?

– Тўғри, илгари фойдаланмаганман. Унга эҳтиёж йўқ эди. Чунки ҳамма ижроларимиз жонли бўларди. Масалан, мен талабаларимга, шоғирларимга ўргатганимда, жонли ижрода айтиб берардим. Мана, пандемия бўлиб, дарсларни онлайнга ўтказдик. Сўнгги 5-6 ойдан бери халқимизга олтимишга яқин кўшиқни ижтимоий тармоқлар орқали етказдик. Уларнинг бизга бўлган меҳри, дуоларидан мамнунмиз.

– Сиз кўп ҳамкорлик қиладиган шоирлар кимлар? Ўзи шоирлар билан муносабатингиз қандай?

– Ўзига хос ташриф қоғозимга айланган «Мен севаман, сен севасанми» кўшиғимни айтганимдан кейин, халқ шоири Пўлат Мўмин билан жуда қадрдон ва яқиндан ижод қиладиган бўлганмиз. Кўп кўшиқларим мана шу шоир шеърларига басталанган. Ундан ташқари Акмал Пўлат, Туроб Тўла, Нормурод Нарзуллаев каби шоирлар билан ҳамкорликда кўп кўшиқларни халқимизга ҳади қилганмиз. Ўзим ҳозирги шоирлардан Сирожиддин Саййид, Бобур Бобомурод, Иқбол Мирзо шеърларини севиб ўқийман.

– Бир театр актёри интервью бера туриб, шундай деган экан: «Қулаётган юлдузларнинг изини кўришни истайман». Шунча узоқ вақт ижод қиладиганингиз сирини нимада?

– Авваламбор, Аллоҳ томонидан берилган истеъдодни асраб-авайлаш, халқимиз биз санъаткорларни қўллаб-қувватлаб, кўкларга кўтариб юриш масъулияти бўлса керак бунга сабаб. Бир нарсани айтиш керакки, санъаткор фақат кўча-кўйда ибрат бўлмасдан, оилада ҳам намуна кўрсатиши керак. Худога шукр, фарзандларим тарбиясида отам тутган йўлдан заррача оғишмадим, уларни тўғри ўзанга бошладим.

Мен кўп мамлакатларда бўлганман, лекин бизнинг халқ каби санъаткорга меҳри баланд халқ ҳеч қаерда йўқ. Мана шу халқ дуоиси билан шу вақтгача ижод қилиб келяпман. Бунга шукрлар айтаман.

– Келажак авлод Хайрулла Лутфуллаевни қайси учта сўз билан эслашини хоҳлайсиз?

– Кўпчилик мухлисларимиз ижтимоий тармоқларга жойлаган кўшиқларимизни эшитиб, илиқ фикрлар қолдиришади. Менинг билишимча, мухлисларимизга учта сўз билан эслаш камлик қилса керак-ов!.. Лекин сизни саволингизга, биринчи навбатда меҳрибон ота, санъатимдан келиб чиқиб машҳур хонанда, бастакор ва охиригиси самимий, заҳматкаш устоз, дея эслашларини хоҳлайман.

– Мазмунли ва қизиқарли сўхбат учун раҳмат!

Нодирбек ХАЙРУЛЛАЕВ ва  
Азизбек АБДУМАЛИКОВ  
сўхбатлашди.

# ОҚДАРБАНДЛИКЛАР АЖДОДЛАРИ АСЛИДА КИМ БЎЛГАН?

Сохталаштирилган тарихни асл ҳолида  
талқин этиш вақти етган

«Кўшкўпир туманининг Оқдарбанд қишлоғида форс миллатига мансуб кишилар истиқомат қилади. Бу ерга форсларнинг келиб ўрнашининг ўз тарихи бор, албатта. Бу ҳақда Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий ва Баёнийлар ҳам ўзининг тарихий асарларида батафсил ёзиб ўтган.

Манбаларда қайд этилишича, 1825 йилга келиб Хива хони Оллақулихон даврида Эрон-Хива муносабатларида чигалликлар пайдо бўлади. Ўзаро уруш даврида Хива хонлиги тахти вориси Раҳимқулихоннинг ўлдирилиши оқибатида ислом дини қоидаларига асосан тўланиши жоиз бўлган дия, яъни хун хақи учун оқдарбандликлар Хоразмга кўчириб олиб келинган экан.

Бироқ оқдарбандликлар табиатан мард, жасур, чавандоз ва мерган халқ бўлгани боис Хива хукмдори улардан чегарачилар сифатида фойдаланган. Халқ таълими фахрийси, ижодкор-ўқитувчи Худойберган Матназаровнинг Шарифбой Курёзов билан ҳаммуаллифликдаги «Оқдарбанд тарихи китобида келтирилган «Огажон Муҳаммад ўғлининг ҳикояси» бобида форслар воҳага Эрон шоҳи томонидан Хива хонига ёрдам сифатида жўнатилгани баён қилинган. Унда ёзилишича, Хивага ташриф буюрган Эрон шоҳи Хоразмнинг чекка ҳудудларига ҳар тарафдан тез-тез босқинлар уюштирилиб туришини эшитади. Оқибатда кўшни мамлакатга бу муаммони ҳал қилишда ёрдам беришини айтади. Сўнгра юртига қайтиб кетгач, энг сара, жасур йигитларни Хивага навкарликка жўнатган экан.

Бу ҳикояда мантик бор. Чунки Эроннинг савдо қарвонлари Хоразм салтанати орқали Мовароуннаҳр, Олтой ўлкалари, Хитой ва Россияга ўтар эди. Бу йўлларнинг тинч-осойишта бўлиши форслар шоҳи учун ҳам сув билан ҳаводек зарур бўлган. Шу боисдан ҳам бу иш Хива атрофидаги саҳроларда макон тутган қароқчилар томонидан келтириб чиқарилган тартибсизликни бартараф этиш – улар учун ҳам фойдали тадбир бўлган. Пировардида қароқчилар томонидан савдо қарвонлари таланиши қамайган.

Огаҳий ўзининг «Риёз уд-давла» асарида форсларнинг Хоразмга келиб ўрнашиш тарихи ҳақида ёзар экан, қуйидаги фикрларни билдиради: «... Оқдарбанд қалъаси эса икки тарафдан баланд тоғ қоялари билан тўсилиб, гўзаллик ва мустаҳкамликда Искандар деворига тенг келадиган девор билан ўралиб турган. Ана шу қалъада ватан тутиб ўтирган кизил бошли (*иша мазҳабига мансуб форслар, таъкид Э.Б.ники*) давлату савлатда, ҳарбий ишларда ва жангу жадалликда тенги йўқ машҳур эдилар. Душман келадиган бўлса, уларнинг йўлини тўсиш ва қайтариш билан машғул бўлганлар...»

Совет совет иттифоқи даврида тарихий ҳақиқат бузиб кўрсатилиши оқибатида оқдарбандликларнинг Хоразмга кўчиши ҳам бошқача талқин этилган. Айрим шўро даври тарихчилари форслар Хивага қул қилиб олиб келинган деган фикрларни билдирган. Бу, мутлақо янглиш фикр эканини Огаҳий, Баёний асарлари Худойназар Матризаевнинг «Оқдарбанд тарихи» китобидаги далиллар ҳам исботлаб турибди. Қолаверса,

Хива хонлиги даврида хукмдорнинг энг яқин маслаҳатчи ва «махрам» – таң соқчилари оқдарбандликлардан бўлгани шўро тарихчилари фикрини чип-пакка чиқаради. XIX аср охирилари, XX аср бошларида салтанатни бошқарган Муҳаммад Раҳимхон Соний – Ферузнинг Муҳаммадмурод девонбеги, Ашир махрам, Мутриб Хонахаробий, Давлатмурод Ғуломий, Аҳмад Табибий каби мулозимлари ҳам форс миллатига мансуб бўлгани – уларнинг тенг ҳуқуқли фуқаролар қаторида яшаганидан дарак беради. Бироқ совет иттифоқи даврида оқдарбандликлар долғали синовларни бошдан кечирганлар. Кўшкўпир туманидаги 28-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Худойназар Матназаровнинг айтишича, 1937-1938 йилларида қишлоқдан юздан ортиқ киши Сталин сиёсати жабрини тортган. Уларга «Нима учун ҳеч ким тушунмайдиган тилда сўзлашасан?», «Эрон билан қандай яширин алоқала-



ринг бор?» каби тутуруқсиз саволларни бериб, кийнаб қатағон қилинганини кекса отахонлар кўз ёш билан эслашади.

– 1938-39 йилларида қишлоғимизда яшовчи юзлаб қирчиллама йигитлар олис ўлкаларга, асосан, Россиянинг Сибирь томонларига сургун қилинган. Афсуски, уларнинг ярмидан кўпроғига она юртига қайтиб келиш насиб қилмаган. Менинг отам Матназар бува ҳам ўқимишли, уламо инсон бўлгани учун қатағонга учраб сургун жабрини тортган. У кишининг аянчли қисмати ҳақидаги гурунларини кўзларимда ёш билан эслаб юраман, – дейди кекса ўқитувчи Х.Матназаров.

– Қатағон йилларида Хоразмда НКВД ходимлари кимнингки уйда араб алифбосида кўчирилган шеърий девонми ёки диний асарми сақланаётган бўлса, бунинг фарқида бориб ўтирмадан қўлини боғлаб олиб кетиб, турли жазоларга маҳкум қилаверган, – деб ҳикоя қилади фидойи ўқитувчи Назира Қаландарова. – Бир йил ичида Оқдарбанд қишлоғидан юзлаб одамнинг қатағонга учраганининг ўзи собиқ иттифоқ даврида бизнинг тақдиримиз осон кечмаганини англатади. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши натижасида қишлоқдан қатағонлик чекинган. Бироқ юзлаб йигитлар урушда халқлар тинчлиги учун мардона курашганлар. 28 нафар



«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар»

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 18-моддасидан.

миллатдошимиз урушда қурбон бўлган. Совет даврида биз ўз она тилимизни унутиш даражасига чордик. Форсий тилда сўзлашган миллатдошларимизни «халқ душмани» деб қамашган, сургун қилишган. Энг ачинарлиси, ўша тузум даврида паспортимизга форс миллатига мансублигимиз ёзилишига қаршилиқ қилинарди. Ҳозир эса, Аллоҳга шукрки, бу иш ўзимизнинг ихтиёримизда!

Қишлоқ аҳли юзларида истиқлолдан мамнунлик акс этиб туради. Назира опанинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, Оқдарбанд форслари ҳам барча миллатлар қатори ўзларининг миллий урф-одатлари, диний маросимлари ва минг йиллик анъаналарини қайта тиклаганлар. Қишлоқда Назира Қаландарова ва Худойберган Матназаровларнинг ташаббуси ва бошчилигида «Жуфтқарсақ» бадий ҳаваскорлик жамоаси ташкил қилинган. Бу жамоа форсча халқ ўйинлари ва кўшиқларини ёшларга ўргатиш, миллий урф-одатларнинг театрлаштирилган лавҳаларда томошабинларга кўрсатиш билан машғул. Вилоятимизда кенг равишда нишонланадиган Наврўз ва Мустақиллик байрам ва бошқа тад-

бирда «Жуфтқарсақ» аъзолари ўзларининг дилторғар ракс ва лапарлари билан иштирок этиб келмоқдалар.

– Қишлоғимизни туризм маршрутга киритиш ҳаракатида юрибмиз. Бунинг учун бир пайтлари 28-умумтаълим мактабида ташкил қилинган оқдарбандликлар тарихини акс эттирувчи музейни аҳолида бинода шакллантиришимиз зарур. Бу борада мутасаддилар ва ҳомийларнинг амалий ёрдами жуда муҳим. Қолаверса, қишлоғимизда ислом оламида таниқли шахслар дафн қилинган зиёратгоҳлар мавжуд. Бир сўз билан айтганда бизнинг қишлоқ зиёрат туризми учун жуда мос, – дея гурунгни давом эттиради Худойназар Матназаров.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», деб қайд этилган. Асосий Қонун мезонлари жамиятимизда кенг тадбиқ этилаётганини Хоразмнинг олис бир қишлоғида форсларнинг барча миллатлар қатори тинч-тотув яшаб келаётганидан ҳам англаш мумкин.

Эрпўлат БАХТ

## Ижтимоий тармоқлар оралаб...

Шароф Бошбеков  
3 ноябрь, 22:49

## Уруш

Мен, одатда, кечаси ишлаб, кундузи ухлайман. Эртаси кун ишга боришга тўғри келди. Уйқусизликдан силлам қуриб, уйга келдим.

– Ким чакирса ҳам уйғотма, фақат уруш бошланса уйғотасан, – дедим хотинимга ва тўшакка чўзилдим.

Биламан, уруш бўлмайди. Демак, уйғотмайди.

Дўстлар даврасида шу гапни айтиб бердим. Кулишдик.

Улардан бири бу гапнинг канчалик тўғри-нотўғрилигини билмоқчи бўлиб, уйга телефон қилибди. Гўшакни хотиним олибди.

– Келин, Шарофбекни уйғотиб юборинг, уруш бошланди! – дебди дўстим.

– Қанақа уруш? – ажабланибди хотин.

– Улуғ ватан уруши-да!

Шунда хотиним гап нимадалигини тушуниб қолибди.

– Йўк, хўжайин унақа майда-чуйда урушларга уйғотиб юрма, жаҳон уруши бошланса уйғотасан, деганлар... – деб гўшакни кўйиб қўйибди.

## Хорижда...



Мол-давлати 90 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган, Forbes журнаlining энг бой одамлар рўйхатида иккинчи ўринни эгаллаган Билл Гейтс Сиэтл шаҳрида гамбургер сотиб олиш учун навбатда турибди.

## Бизда...



Айрим давлат бошқаруви органлари ва ҳокимлар томонидан қимматбаҳо автомобиллар харид қилиш борасида пойга кетмоқда.

Хабарларга (dxarid.uzex.uz) кўра, сўнгги вақтларда Жиззах вилояти молия бошқармаси 311

млн. сўмга «Malibu», Қашқадарё вилояти молия бошқармаси 349 млн. сўмга «Equinox», Самарқанд вилояти Нарпай тумани ҳокимлиги 398 млн. сўмга «Trailblazer LTZ-AT» ва Андижон вилояти ҳокимлиги ноябрь ойи бошида 325 млн. сўмга «Malibu» харид қилибди.

## ПАЗАНДАЛИК

«Қиш зийнати»  
салати

**Керакли масалликлар:** 3 дона картошка, 4 дона лавлаги, 2 дона тузланган бодринг, 300 гр. кўзқорин (шампиньон), 200 гр. яшил нўхат, 2 дона оқ пиёз, 1 боғ кўк пиёз, 200 гр. майонез.



**Тайёрланиши:** картошка ва лавлаги сувда қайнатиб олинади. Оқ пиёз иккига бўлиниб, майда паррак қилиб тўғралиб, бироз сувда чайқаб олинади. Шунда пиёзнинг аччиғи кетади.

Кўк пиёз майда тўғралади. Барча масалликлар тўртбурчак қилиб тўғралади ва аралаштирилади.

Майонез хушламайдиганлар унинг ўрнига салат ёғини солиб, истеъмол қилишлари мумкин. Бунда салат витаминларга янада бой ва фойдали бўлади.

Ёқимли иштаҳа!

## ИНТЕЛЛЕКТ

Бир матоҳда  
икки хил тартиб

Ҳозир мобил телефон ишлатмайдиган одамнинг ўзи йўк. Уяли телефонда ҳамма нарса бор. Гаплашамиз, суратга оламыз, ҳисоб-китоб қиламыз ва ҳоказо.

**Савол:** *Айтингчи, битта шу матоҳнинг ўзида нима учун телефон сифатида ишлатилганда рақамлар юқоридан пастга, калькулятор ўрнида ишлатилганда эса пастдан юқорига қараб ўсиб боради?*


**Жавоблар келгуси ҳафтанинг чоршанба кунигача қабул қилинади.**

Электрон манзил: info@od-press.uz

Telegram: (+998 97) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 19 ноябрь 47-сонидан берилган саволнинг жавоби: **Қадимги Русдан бундан 400 йил аввал Кўхна қитъага қўлга ўргатилган томоша кўрсатувчи айиқлар экспорт қилинган. Шунинг учун Фарбда айиқ деса Россияни, Россия деса айиқни тасаввур қилиш одат бўлиб қолган.**

## ЎТКИР НИГОҲ



Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.



– Шу кетишда сени аниқ хайдаб солишади, бунча бесўнақай ҳаракатлар қиласан, – деб уришардилар, – бу ахволда борган жойингдан иззат топмайсан!

Хуллас, ҳали ўн саккизга кирмасимдан, эримнинг уйидагиларини ёмон кўриб бўлдим. Ҳали турмушга чиқмасимдан, қайнонамдан нафратландим. Ҳали тўйим бўлмасидан, кимлигини ўзим ҳам билмайдиган куёвим ва унинг қариндошларини хушламай қўйдим...

## МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

## Бош муҳаррир

Ҳуснидин  
БЕРДИЕВ

## Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-1137  
ISSN 2181-6190  
Обуна индекси — 193  
Алади: 1 644 нуска.  
Нархи: келишув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00

